

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018. Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РЎЗИБОВЕВ ДИЛМУРОД РЎЗИМЕТОВИЧ

**ЧАНОҚ-СОН БЎҒИМИ ЭНДОПРОТЕЗЛАНГАН БЕМОР ВА
НОГИРОНЛАРДА ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.22 – Травматология и ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

ТОШКЕНТ- 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рўзибоев Дилмурод Рўзиметович

Чанок-сон бўғими эндопротезланган бемор ва ногиронларда тиббий-ижтимоий реабилитация самарадорлигини баҳолаш.....

Рузибаев Дилмурод Рузиметович

Оценка эффективности медико-социальной реабилитации больных и инвалидов после эндопротезирования тазобедренного сустава

Ruziboev Dilmurod Ruzimetovich

Evaluation of the effectiveness of medico-social rehabilitation of patients and disabled people after hip arthroplast.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018. Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РЎЗИБОЕВ ДИЛМУРОД РЎЗИМЕТОВИЧ

**ЧАНОҚ-СОН БЎҒИМИ ЭНДОПРОТЕЗЛАНГАН БЕМОР ВА
НОГИРОНЛАРДА ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.22 – Травматология и ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ- 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2. PhD /Tib225 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.niito.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Асилова Саодат Убайевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шорустамов Мухаммад Тоджиалиевич
тиббиёт фанлари доктори

Минасов Тимур Булатович
тиббиёт фанлари доктори, доцент
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.02.2018.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Ж. Азизов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

И.Ю. Ходжанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Турли давлатларда чаноқ-сон бўғимининг (ЧСБ) посттравматик ва ортопедик касалликлари «катта ёшлилар ўртасида 25%гача учрайди, ногиронлик эса 60%ни ташкил этмоқда»¹. Ҳар йили суяк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқима касалликларининг ортопедик йўналишдаги касалликлари натижасида мингдан ортиқ инсонлар бирламчи равишда ногирон деб топиладилар. Бундай касалликларда «бирламчи ногиронлик оғирлик даражаси ва турғунлиги билан ажралиб туради (I гуруҳ – 0,8%, II гуруҳ–22,1%, III гуруҳ–77,1%)»².

Дунё амалиётида ушбу касалликларни даволаш борасида юқори натижаларга эришиш мақсадида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, суяк бўлаклари соҳасида турли остеосинтез ва остеотомия усуллари, сон суяги асептик некрозида туннелизация қилиш ва қон томир-мушак транспозицияси хирургияси усуллари, бўғим декомпрессияси ва капсула артротомияси, ЧСБни артродезлаш усуллари ишлаб чиқилган. ЧСБни посттравматик ва ортопедик касалликларида эндопротезлаш (ЭП) ягона жаррохлик танлови бўлиб қолмоқда ва турли замонавий эндопротезлардан фойдаланилмоқда. Бугунги кунда ЭП усули кундалик амалиётда етарли даражада натижаларга эришди. Бунинг исботи жаррохлик амалиётидан кейинги ижобий натижаларнинг 20 йилгача узайганлигида кўринади. Жаррохлик аралашувининг юқори натижадорлигига қарамай, амалиётда қатор асоратлар кузатилмоқда, фақатгина ЧСБни тотал ЭПга алоқадор бўлган асоратлар бўлмиш эндопротез бошчасининг чиқиши, ўпка артерияларининг тромбоземболияси ва перипротез инфекциянинг ривожланиши беморларни ногиронликка олиб келмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш юзасидан реабилитацион жараёнларга нисбатан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Республикамызда ҳам ЭП технологиясини такомиллаштириш ва кенг тадбиқ этиш борасида салмоқли ютуқларга эришилган, шу жумладан, ЭПдан кейинги йирингли-септик ва тромбоземболик асоратларни олдини олиш, ЧСБ ҳолатига кўра ЭПнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш тадқиқотлари ўтказилган. Бугунги кунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «нафақадагилар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш»³ вазифалари белгиланган. Аҳолига кўрсатилаётган

¹ World Health Organization. Injuries: fact sheet no 7. World Health Organization website. 2016. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs11/en>, accessed March 12

² World Health Organization / The Bone and Joint Decade, 2000-2010. World Health Organization website 2010 // www.who.int/mediacentre/bone.joint.decade/en

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва кенгайтириш учун кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда травматология ва ортопедия тизимида давом этаётган мақсадли чора-тадбирларга қарамай, ҳал қилиниши зарур бўлган муҳим вазифалар турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПҚ-5270-сон “Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги қарорларида ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда⁴ белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЧСБни посттравматик ва ортопедик касалликларда турли жаррохлик амалиётлари орқали етарли даражада ижобий натижаларга эришилмаганлаги сабабли патологик ўзгарган бўғимни сунъий протезга алмаштириш тотал эндопротезлаш (ЭП) жаррохлиги биринчи ўринга чиқди. Бугунги кунда ЧСБнинг кўплаб касалликларида, жумладан коксартрозлар ва жароҳат асоратларида ЧСБни тотал ЭП юқори даражадаги заруриятга эга бўлган ҳамда юқори самарали даволаш усули ҳисобланади. 2008 йилда АҚШда 600000дан ортиқ ЧСБни тотал ЭП ўтказилган, узок муддатли прогнозларга (кутилаётган натижаларга) кўра 2030 йилга бориб, бу турдаги амалиётлар сони 4,0 миллионга етиши кутилмоқда (Загородний Н.В., Нуждин В.И., Кудинов О.А., 2011). Чэт эл муаллифлари томонидан жаррохлик амалиёти ўтказилган оёқни жаррохлик амалиётидан кейин ишлатиш учун қатор қурилмалар таклиф қилишган (Mucand J.A., Cai C., Zielinski A., 2003; Paxton E.W., Hake Ch.F., Inacio M.C., 2012). Маълумки, ЧСБни тотал ЭП тизими ўзининг ривожланишида узок йўлни босиб ўтиб, бўғимнинг фаол ва оғриқсиз ҳаракатланишига ҳамда оёқнинг мустаҳкамлигига қайтиш имкониятини беради (Чрагян Г.А., Загородний Н.В., Нуждин В.И., Кудинов О.А., 2012), бинобарин ЧСБни тотал ЭПдаги қатор ютуқларга қарамасдан у ҳали мукамалликка етмаган (Müller M., 2012). Игнатенко В.Л. ва бошқаларнинг (2011) фикрича, замонавий технология ҳар доим ҳам ЧСБнинг дегенератив-дистрофик жараёнлар таъсири натижасида келиб чиқадиган ўзгаришларни тўлиқлигича тиклаш имкониятига эга эмас. ЧСБ ЭП компонентларининг қисқа муддатларда яроқсизлик холга келиши ва бунинг натижасида қайта амалиётга муҳтожлик сон суяги проксимал қисми дефектлари, юмшоқ тўқималар номутаносиблиги, бўғим дисфункциясини ҳисобга олмасдан механик ўқнинг етарли миқдорда

⁴ Ўзбекистон Республикаси Қонунлар тўплами, 2017.-№25.-5326.// Қонунчилик миллий базаси. 30.10.2017.- №06/17/5216/0187

тўғриланмаганлиги ва бошқалардир. ЧСБ эндопротезланган беморларнинг реабилитацияси ҳозирги кунда асосий тиббий-ижтимоий ва иқтисодий муаммо бўлиб қолмоқда. Реабилитация босқичлари ва турлари алоҳида тиббий ва ижтимоий реабилитация йўналиши сифатида ўрганилди (Казак Л.Г., 2003; Курбанов С.Х., 2009). Тиббий-ижтимоий реабилитациянинг кам ўрганилганлиги ва бугунги кунга қадар ЧСБ ЭПдан кейинги жаррохлик амалиёти ўтказилган оёқнинг динамик функциясини объектив кўрсаткичларига ҳамда клиник-функционал натижаларига асосланган ҳолда меҳнатга лаёқатлигини экспертиза мезонларининг етишмаслиги амалиётдан кейинги биринчи йилда кўплаб эксперт хатоликларга олиб келади (Тайлашев М.М., Моторина И.Г., Варнакова Т.Ф., Салатин П.П., 2010; Троценко В.В., 2000; Абельцев В.П., Ковалев А.И., 2012; Karkavina A.N. 2008, Cichy B., Wilk M., Sliwinski Z). ЧСБ эндопротезланган беморларнинг тиббий реабилитацияси бўйича қатор тизимлар ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, ўрганилган адабиётлар маълумотларга кўра реабилитация технологияси узлуксиз ва мажмуавий равишда (жаррохлик стационар-реабилитация марказлари-поликлиника), яъни ижтимоий ва касбий реабилитация ва ўз ўрнида тиббий – ижтимоий экспертиза кўринишида боғлаб ўрганилмаган (Казак Л.Г., 2003; Рой И.В., Бабова И.К., Баяндина Е.И., 2011; Brett Levine, M.S., M.D., Beth Kaplanek, 2007; Maiko V.M., 2011;).

Мамлакатимизда чаноқ-сон бўғимини ЭПдан кейинги стационар босқичдаги тиббий реабилитация технологияси яққол намоён бўлган (Амонов В.Р., 2000; Азизов М.Ж., Ступина Н.В., Ирисметов М.Ж., Мирзаев Ш.Х., 2004; Хамраев Ш.Ш., Хамраев А.Ш., Шорустамов М.Т., Тугизов Б.Э., 2014). Йирик бўғимлар касалликлари регистри аниқланиб, ЭП эҳтиёжи мавжудлиги аниқланган. ЭП ўтказиш бўйича кадрлар гуруҳини тайёрлаш, керакли жиҳозлар билан таъминлаш масалалари бўйича ташкилий ишлар бажарилган, ЧСБнинг травматик ва ортопедик патологияларида ЭПдан кейинги йирингли-септик ва тромбоземболик асоратлар профилактикаси бўйича илмий изланишлар олиб борилган. ЭПнинг узок натижалари 10-15 йилдан ортиқ муддатларда ўрганилган ва уларнинг натижалари таҳлил этилган (Азизов М.Ж., Ступина Н.В., Усмонов Ф.М., Хошимов А.Р., 2008; Азизов М.Ж., 2014, 2016; Азизов М.Ж., Ступина Н.В., Шокиров Х.Х., 2016, Алимов А.П., 2018).

ЧСБини тотал ЭПда етарлича тажриба тўпланганлигига қарамай, операциянинг эрта, кечки ва узок муддатли натижалари беморлар имкониятининг чекланишига боғлиқлиги етарлича ўрганилмаган. Чаноқ-сон бўғимини тотал ЭПдан кейинги ногиронлик динамикаси етарлича ўрганилмаганлиги, ёндош бўғимлар патологияларини ҳисобга олган ҳолда тавсия қилинадиган меҳнат турлари келтириб ўтилмаган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, бу муаммони ўрганиш долзарблилиги ва келажакда узлуксиз мажмуавий реабилитация жараёнлари технологиясини такомиллаштириш заруриятини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот режасига мувофиқ ИСС 6-29-сон “Чанок-сон бўғимини эндопротезлашда комплекс тиббий-ижтимоий реабилитацияни такомиллаштиришни жорий қилиш” (2014-2017 йй.) мавзусидаги амалий ва инновацион лойихалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чанок-сон бўғими эндопротезланган бемор ва ногиронларнинг тиббий-ижтимоий реабилитациясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЧСБ ЭП ўтказилган бемор ва ногиронларда ногиронлик гуруҳларининг оғирлик даражалари ва унинг шаклланиш динамикасига салбий таъсир қилувчи омилларни ўрганиш;

Индивидуал реабилитация дастурини тузиш орқали реабилитация тадбирларини оптималлаштириш ва ЧСБ ЭПнинг самарадорлигини ошириш;

Жаррохлик амалиётидан олдинги ва кейинги даврларда ёндош бўғимлар ва умуртқа поғонаси ҳолатини баҳолаш орқали беморларнинг меҳнат қобилияти мезонларини ўрганиш;

ЧСБ ЭП ўтказилган беморларда жаррохлик амалиётидан кейинги тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация самарадорлигини аниқлаш учун дастур ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида 2010-2017 йиллар мобайнида стационар равишда ЧСБда ЭП ўтказилган 125 нафар бемор ва ногиронлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ЧСБда ЭП ўтказилган бемор ва ногиронларнинг тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация жараёнлари бўйича тадқиқот маълумотлари, жаррохлик амалиётидан олдинги ва кейинги ногиронлик динамикаси натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда клиник, биомеханик, рентгенологик, электромиографик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЧСБнинг ЭПдан аввал ва кейинги статик-динамик ўзгаришларнинг даражалари ва рационал меҳнат турига жалб этиш тавсиялари ишлаб чиқилган ҳамда улар асосида ЭП натижаси прогнозлаштирилган;

ЧСБнинг ҳолатини яхшилаш имконини берувчи функционал даволаш тактикасининг ЭП ўтказилган бўғимларда жаррохлик амалиётидан кейинги юзага келадиган контрактураларнинг олдини олиши исботланган;

ЧСБ ЭПдан кейин бемор ҳолати динамикаси таърифига асосланган беморларнинг такомиллаштирилган тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация даражаларини баҳолашнинг юқори, яхши, ўрта, муътадил ва паст кўрсаткичлари аниқланган;

ногиронлик гуруҳига салбий таъсир қилувчи омилларни бартараф этиш имконини берувчи клиник-функционал ва ижтимоий-маиший кўрсаткичларга асосланган рационал реабилитация тартиби тавсия қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЧСБнинг ЭПдан олдинги ва кейинги меҳнат қилиш қобилияти мезонларининг клиник функционал ҳолат, ёндош бўғимлар ва умуртқа поғонаси патологиясига боғлиқлиги аниқланган;

ЧСБ ЭПдан кейинги шахсларга ишлаб чиқилган мажмуавий босқичли реабилитация тактикасининг таклиф қилиниши бирламчи ногиронлик даражасининг камайишига олиб келиши исботланган;

ЧСБ ЭП ўтказилган беморларни функционал даволаш учун мўлжалланган мослама ишлаб чиқилган ва уни эрта қўллаш натижасида контрактуралар сонининг камайиши исботланган;

ЭПдан кейинги тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитациясининг самарадорлигини баллар асосида аниқлаш дастури орқали ЧСБни ЭП натижаларини баҳолаш тактикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий ишда қўлланилган усуллар, натижаларининг ишончлилиги амалиётда кенг қўлланилувчи клиник, рентгенологик, биомеханик ва электромиографик текширув усуллари билан тасдиқланган, олинган барча натижа ва хулосалар статистик таҳлиллар ёрдамида тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертациянинг илмий аҳамияти ЭПдан кутилаётган натижалар мезонлари ҳамда тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитациянинг самарадорлигини баҳолаш, ЧСБ ЭП ўтказилган бемор ва ногиронларда мажмуавий индивидуал босқичли эрта тиббий-ижтимоий реабилитация самарадорлиги исботланиши билан изоҳланади. Тадқиқот натижалари беморларнинг маиший-оилавий шароитларига эрта муддатларда мослашишга, ногиронлик даражасининг пасайишига, ҳаёт сифатини яхшиланишига, тавсия қилинган меҳнат турларига қайтишнинг таъминланиши имконият яратган ва жуда катта тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ЭП ўтказилган беморларда мажмуавий босқичли тиббий-ижтимоий реабилитацияси ишлаб чиқилган, бу эса клиник амалиётга мукаммаллаштирилган босқичли реабилитациясини тадбиқ қилиш даволашнинг ижобий ошиши, статико-динамик функциянинг тикланиш даражасининг яхшиланиши билан изоҳланади, у эса ўз навбатида, жаррохлик амалиёти ўтказилган бўғимда контрактура ва бирламчи ногиронликнинг камайишига, ногиронлик гуруҳининг пасайишига ҳамда таклиф қилинган меҳнат турларига беморлар ва ногиронларнинг қайтишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ЧСБ ЭПдан кейин бемор ва ногиронларда тиббий-ижтимоий реабилитацияси самарадорлигини баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

«Ўзбекистон Республикасида чанок-сон бўғимини эндопротезлашдан кейин ногиронлар реабилитацияси индивидуал дастурини ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари» номли услубий тавсияномалари тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30-

ноябрдаги №8н-д/257-сон маълумотномаси). Ҳар бир бемор учун индивидуал тайёрланган тавсиялар стационар, амбулатор-поликлиника босқичларида реабилитацион ёрдамни оптималлаштиришга ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини қисқаришига имкон берган;

ЭПдан сўнг ЧСБ функционал ҳолатини яхшилаш имконини берувчи функционал даволаш тактикаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30-ноябрдаги №8н-д/257-сон маълумотномаси) ва беморларда контрактураларни бартараф этиш ЧСБ нинг фойдали модели ишлаб чиқилган;

ЧСБ ЭП жаррохлик амалиётидан ўтган беморларда тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация самарадорлигини аниқлаш тактикаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30-ноябрдаги №8н-д/257-сон маълумотномаси) ва бемор ва ногиронлар учун реабилитация ҳажми аниқланган;

ЧСБ касалликлари бўлган беморларни ташхислаш, меҳнатга лаёқатлилигини аниқлаш ва даволаш тактикасини танлаш дастури, ЭПдан аввал ва кейин меҳнатга лаёқатлилигини аниқлашда йирик бўғимлар статик ва динамик функцияларини баҳолаш дастури ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30-ноябрдаги №8н-д/257-сон маълумотномаси), олинган натижалар беморларнинг меҳнат фаолиятига қайтиш имкониятини берган;

ЧСБ ЭП бемор ва ногиронларда тиббий-ижтимоий реабилитация самарадорлигини аниқлашга бағишланган тадқиқот натижалари 1-Республика клиник шифохонасига, Самарқанд ва Урганч шаҳарларининг реабилитация марказлари клиникаларига ҳамда Тошкент шаҳар Бош тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси амалиётларига тадбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30-ноябрдаги №8н-д/257-сон маълумотномаси), натижада вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик муддатлари 37.5% беморларда 1 ойгача қисқариши, 67.5% беморларнинг ишга қайтиши, 80% беморларда контрактураларнинг бартараф этилишига ҳамда беморларда 20.3% ҳолатда ногиронлик гуруҳининг пасайиши ва 16.9% ҳолатда ногиронлик гуруҳларидан тўлиқ чиқиб кетишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг натижалари 9 илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 таси халқаро ва 3 таси республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 34 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 9 та мақола, 2 таси хорижий, 7 таси республика журналларида нашр этилган.


Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, республика фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Бемор ва ногиронларнинг чаноқ-сон бўғимини эндопротезлаш амалиётидан кейинги тиббий-ижтимоий реабилитацияси бўйича адабиётлар шарҳи» номли биринчи бобида ЧСБ биомеханикаси, тиббий-ижтимоий экспертиза мезонларининг ўзига хос хусусиятлари, ЭПдан сўнг беморларнинг меҳнатга лаёқатлилиқ масалалари, жамият ва оилада ижтимоий реадaptациясига оид муаммолар таҳлил этилган.

Диссертациянинг «Клиник материал ва текширув усуллари тавсифи» номли иккинчи бобида беморларнинг умумий таърифи, қўлланилган клиник, рентгенологик, электромиографик ва биомеханик тадқиқотлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Илмий иш 2010-2017 йиллар давомида Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази клиникасида даволанган 125 нафар бемор ва ногиронларда ўтказилган текширувлар ва даволаш натижалари таҳлиliga асосланган. Барча беморлар 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган 57 нафар эркак ва 69 нафар аёлларни ташкил этади (1-расм).



Расм 1. ЭП ўтказилган бемор ва ногиронларни касаллик нозологиялари бўйича бўлиниши


Реабилитантлар умумий 3 та гуруҳга ажратилган. Гуруҳларга бўлишда таянч-ҳаракат тизимининг статик ва динамик функцияси бузилишининг оғирлик даражаси асосий мезон сифатида олинган. Биринчи гуруҳ реабилитантларида бир тарафлама ЧСБ касаллиги мавжуд бўлиб, уларда ЭП жаррохлик амалиёти бажарилган (86 нафар бемор, 72.0%). Бу гуруҳ беморларида контрлатерал бўғимда ва таянч-ҳаракат тизимининг бошқа бўғимларида патологиялар аниқланмаган. Иккинчи гуруҳга бир томонлама ЧСБ ЭП амалиёти ўтказилган ва контрлатерал бўғимда коксартрознинг II босқичи аниқланган реабилитантлар кирган (32 нафар бемор, 25.6%). Учинчи гуруҳни ЧСБ бир томонлама ЭП амалиёти ўтказилган ва таянч-ҳаракат тизимининг бошқа бўғимларида яққол дегенератив-дистрофик ўзгаришлар мавжуд бўлган беморлар, яъни III ва IV босқичли коксартроз ҳамда умуртқа поғонасининг бел соҳасида остеохондрози бўлган (7 нафар бемор, 2.4%) ташкил этади.

Ҳар бир гуруҳ беморларида клиник-функционал ҳолат рентгенологик, биомеханик ва электромиографик текширувлар орқали баҳоланди. Бўғимларда статик-динамик функциясининг (СДФ) тикланиш динамикаси кузатилди, бунда мушак тонусини ўлчаш мақсадида базометрия ва ЭМГ усулларида фойдаланилди. Мушаклар тонуси ва қисқарувчанлигини мВ ва мс ларда ҳисоблаб борилди.

Олинган натижалар бўйича компьютерда Excel 7,0 дастурида статистик ишлов берилди. Стьюдент t-мезони орқали фарқланишлар, тенг ёки 2,0 дан катта ёки мос келиш эҳтимоли 5% дан кам ($p < 0,05$) бўлиши ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Бемор ва ногиронларнинг чанок-сон бўғимини эндопротезлашдан кейинги даволаш натижалари**» номли учинчи бобида ЧСБ ЭП кейинги 64 нафар беморда жаррохлик амалиёти ўтказилиб, бўғимдаги фаол ва нофаол ҳаракатларни яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилган мослама қўлланилган ва даволаш натижалари келтирилган.

Ишлаб чиқилган мослама оёқ панжа мустаҳкамлагичи ва роликлар ёрдамида ҳаракатланади, махсус ёйсимон ясалган рама орқали ҳаракатларнинг юмшоқ ва бўғимга ортиқча юк таъсир қилмаган ҳолда бажарилишини таъминлайди (2-расм).



2-расм. ЧСБни ЭПдан кейин функционал даволаш учун мослама

Мосламанинг масхус тортиб турувчи камарлари ҳисобига ҳаракатлар ҳажмини ва ЭП ўтказилган бўғимга тушаётган юкни назорат қила олиш имкони яратилади. Мослама фойдаланишга қулай, ёрдамчиларга мухтожлик туғдирмайди, оёқнинг имплантация қилинган бўғимга эрта мослашиш имконини беради, контрактуралар улушини камайтиради, ЭП самарадорлигини оширади ва беморнинг ҳаёт сифати яхшиланишига олиб келади.

ЭПдан кейин беморларнинг меҳнатга лаёқатини аниқлаш, йирик бўғимлар СДФни ва ЭПдан кейин меҳнатга лаёқатини баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилган дастурдан фойдаландик. Дастур ёрдамида жаррохлик амалиёти ўтказилган оёқнинг мустаҳкамлиги ва функционал тикланиш даражаси, имплантация қилинган бўғимдаги ҳаракатлар ҳажмини аниқлашга эришилди ҳамда СДФнинг тикланиш динамикасига қараб меҳнатга лаёқатлиликини белгилаш тавсия қилинди. Жаррохлик амалиётидан кейинги тизимли равишда динамик кузатув натижаси ҳар бир индивидуал ҳолатда СДФни интеграл баҳолаш ва унинг асосида ЧСБ ЭП амалиёти ўтказилган бемор ва ногиронлар учун реабилитациянинг индивидуал дастурини тузиш имконини берган.

Диссертациянинг **«Чанок-сон бўғими эндопротезланган бемор ва ногиронларнинг тиббий-ижтимоий экспертиза натижалари»** деб номланган тўртинчи бобда беморларнинг ЭПдан кейинги тиббий-меҳнат экспертизаси натижаларининг тахлилига бағишланган. ЧСБ ЭП амалиёти ўтказилган беморларда ногиронлик динамикаси ва оғирлик даражаси ҳамда унинг нозологик сабабларини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу беморларда ногиронлик оғирлиги номутаносиб равишда юқори ва унинг камайиш даражаси суст эканлиги қайд этилди. Бу эса ўз навбатида ҳар йили мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат ресурсларининг ҳар доим ҳам асосли бўлмаган йўқотилишларга олиб келишини тасдиқлайди. Ўтказилган мажмуавий босқичли тиббий-ижтимоий реабилитациянинг тиббий меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) хулосалари бўйича натижалари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти тахлилий маълумотларида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.07.2011 йилдаги 195-сонли Қарорига кўра) ўрганилди (1-жадвал).

Ногиронликнинг ЧСБ ЭП амалиётидан аввалги ва кейинги динамикаси тахлили кўрсатдики, ЧСБ касалликларининг ЭПдан кейинги адекват реабилитацияси ногиронлик оғирлигининг камайишига эришилди. ЧСБ ЭПдан аввал асосий на назорат гуруҳларда ногиронлик оғирлиги мутаносиб бўлган бўлса, амалиётдан кейинги бир йилдан сўнг асосий гуруҳда пасайганлиги билан бир қаторда, назорат гуруҳида сезиларли даражада нисбатан ортганлиги қайд этилди. Хусусан, реабилитация қилишнинг индивидуал дастури яқунлангандан сўнг асосий гуруҳдаги беморларнинг орасида 2-гуруҳ ногиронларининг сони қисман реабилитация ҳисобига, яъни 3-гуруҳ ногиронлигига ўтиши муносабати билан камайди. Бунда, жаррохлик

амалиётининг ҳажми ва жароҳатлилигини ҳисобга олиб, эксперт-мутахассислар бундай беморларни анатомик дефектлари бор тоифага киритишларига асос бўлмоқда. Шу сабабли 2-гурӯх ногиронлари ўртасида тўлиқ реабилитация кузатилмайди, лекин, ўрганилган маълумотларга кўра, 62,5%га яқин реабилитантлар жаррохлик амалиётидан кейин яхши функционал натижаларга эришган бўлиб, реабилитация қилишнинг индивидуал дастури якунида ўзларининг асосий касблари бўйича ишлаб чиқариш меҳнатига қайтиш имконига эга бўлганлар.

1-жадвал

ТМЭК хулосаларига мувофиқ, қисман ва тўлиқ реабилитация натижалари

Ногиронлик гурӯхининг пасайиши	Асосий гурӯх n=64		Назорат гурӯҳи n=61	
I-гурӯхдан II-гурӯхга	2	Қисман реабилитация (20.3%)	1	Қисман реабилитация (13.1%)
II-гурӯхдан III-гурӯхга	11		7	
III-гурӯхдан 0-гурӯхга (ногиронлик бекор қилиниши)	10	Тўлиқ реабилитация (15.6%)	8	Тўлиқ реабилитация (13.1%)

Шундай қилиб, ЧСБ ЭПдан кейин беморларнинг реабилитация тизимини яратиш учун унинг анатомик, биомеханик ва ижтимоий-маиший тавсифларини инобатга олиш лозим, жумладан дегенератив-дистрофик зарарланишнинг оғирлиги, жаррохлик амалиётнинг ўзига хослиги, ЭПнинг фиксация қилиш тури, асосий скелет мускуллари фаоллигининг биомеханик кўрсаткичларини, оёқнинг статик ҳолати ва эндопротезнинг жойлашувининг ўзига хослиги ҳисобга олиниши лозим. Ижтимоий-маиший ҳолат маълумотлари, яъни ҳаракат фаоллиги, ишлаш характери, фойдаланилаётган транспорт, жадал юриш, оилавий шароити, ногиронликнинг мавжудлиги ва бошқалар инобатга олинади.

Диссертациянинг «**Тиббий реабилитация технологиясининг самарадорлигини баҳолаш**» номли бешинчи бобида ЭП ўтказилган бўғимнинг СДФ тикланишини ҳисобга олиб, тиббий реабилитациянинг самарадорлигини аниқлаш, имплантация қилинган бўғимга мослашишни, тавсия этилган меҳнат турларига қайтиши ва ЭПнинг иқтисодий самараси натижалари ёритиб берилган. Тиббий реабилитациянинг самарадорлигини аниқлашда ҳар бир бемор учун муҳимроқ бўлган ижтимоий ва касбий чекланишларнинг камайиши билан баҳоланган. Бинобарин, бемор ва ногиронларнинг жамиятдаги ўрнини тиклаш қобилияти аввал мавжуд бўлган жароҳатларнинг тикланиши ва ҳаёт сифатининг яхшиланиши билан боғлиқ.

Маълумки, ҳар бир беморда турли функциялар динамикаси турли тезликда рўй беради. Ўтказилган тадқиқот маълумотларга кўра, эрта реабилитация даврида соннинг проксимал дефекти ЭП билан

алмаштирилгандан кейин зарарланган соҳада ижобий динамика организмдаги бошқа ўзгаришларнинг тикланишига нисбатан илгарирок кузатилди. Аксинча, ЧСБ тотал ЭПдан кейин беморларда анъанавий равишда ўтказиладиган кечки реабилитация даврида компенсатор-мослашиш жараёнлари ҳисобига турмуш фаолиятининг тикланиши имплантация қилинган бўғим функциясининг тикланишидан тезроқ бўлади. Шу сабабли, стационар босқичда реабилитация самарадорлигини баҳолашда биз реабилитациянинг қисқа муддатли (бевосита реабилитация босқичидан сўнг) ва узоқ муддатли (6 ой ва бир йилдан сўнг) кўрсаткичларидан фойдаландик.

Тиббий реабилитация якунлангач, реабилитация самараси 3 хил даражада ўрганилди: орган (бутунлай алмаштирилган бўғим функцияси етишмовчилигининг тикланиши), организм (пасайган имкониятлар оқибатида чекланган турмуш фаолиятининг ифодаланишининг камайиши) ва ижтимоий (реабилитантнинг ижтимоий ролининг тикланиши) ва самарадорлик баҳоланди.

ЧСБ тотал ЭП ўтказилган беморларда стационар тиббий реабилитация натижалари мавжуд бузилишлар ва турмуш фаолиятининг чекланиши даражасига мувофиқ баҳоланди (2-жадвал).

2-жадвал

ЧСБ ЭП ўтказилган беморларда тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация самарадорлигини баллар асосида баҳолаш тизими

Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар тавсифи	Самарадорлик даражаси (балларда)
Жаррохлик амалиёти ўтказилган бўғимдаги оғриқ	- мавжуд эмас	5
	- енгил: эпизодик, айрим вақтларда, сезиларсиз оғриқлар	4
	- мўътадил: хаёт фаоллигига таъсир этмайди, лекин баъзида оғриқ қолдирувчи препаратлар қабул қилиш лозим	3
	- айрим ҳолатларда бемор ўз фаоллигини чеклашга мажбур, лекин мунтазам равишда меҳнат билан шуғулланади ва янада кучлироқ оғриқ қолдирувчи препаратларни қабул қилишни давом этади	1
	- яққол ифодаланган: оғриқлар туфайли фаоллик жиддий чекланган, мунтазам равишда кучли оғриқ қолдирувчи препаратлар қабул қилади	0
Юриш (оқсокланиш)	- йўқ	5
	- енгил	4
	- мўътадил	3
	- яққол ифодаланган	0
Оғриқларсиз	- чекланмаган	5

юриш мумкин бўлган масофа	- 2-3 км	4
	- фақат уйда	3
Ҳаракатлар ҳажми	букиш: - тўлиқ - қисман	5 3
	ёзиш: - тўлиқ - қисман	5 3
	яқинлаштириш: - тўлиқ - қисман	5 3
	узоқлаштириш: - тўлиқ - қисман	5 3
	ташқи ротация: - тўлиқ - қисман	5 3
	ички ротация: - тўлиқ - қисман	5 3
Кундалик фаоллик (зинапоядан фойдаланиш)	- зинапояда ушлагичлар ёрдамисиз бемалол ҳаракатланади	5
	- ушлагичлар ёрдамида, зинага фақат бир оёқни босади	3
	- қийинчилик билан хасса ёрдамида	1
Туфли ва пайпоқларни кийиш.	- қийинчиликларсиз	5
	- мўътадил қийинчиликлар билан	3
	- қийинчилик билан	2
	- кия олмайди	0
Ёрдамчи воситаларидан фойдаланиш	- фойдаланмайди	5
	- юриш учун бир дона хасса	4
	- юриш учун қўлтиқ-таёқ	3
	- юриш учун 2та хасса (ёки 2та қўлтиқ-таёқ)	1
Касбий тавсиялар:	- аввалги касби ёки меҳнат турини сақлаган ҳолда;	5
	- аввалги меҳнат турига яқин бўлган меҳнатга ўтказиш) (қисқартирилган меҳнат ҳажмлари ва шароитларини инобатга олган ҳолда));	4
	- бошқа касб ёки меҳнатга ўтказиш (ўқитиш имкони билан);	3
	- касаначилик.	2
Дори воситалари қабул қилишга муҳтожлиги	- мавжуд эмас:	5
	- баъзида (фақатгина оғриқ синдроми бўлганда)	4
	- тизимли	3
	- доимий	0


Юқорида келтирилган баллар тизими маълумотларининг таҳлили асосида қуйидаги баллар градацияси аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Баллар тизимининг градациялар бўйича кўрсаткичлари


Реабилитация эффективлигининг даражаси	Баллар миқдори
юқори	56 ва ундан юқори
яҳши	46 дан 55 баллгача
қониқарли	36 дан 45 баллгача
мўътадил	26 дан 35 баллгача
паст	25 баллдан паст

Асосий гуруҳда ўз вақтида ва узлуксиз олиб борилган тиббий-ижтимоий реабилитация 60.5% беморларда юқори, 20.8%да яхши самара берди, назорат гуруҳида эса бу тегишлича 55.5% ва 18.2% ни ташкил этди. Натижада ишлаб чиқилган тиббий-ижтимоий реабилитация комплекси асосий гуруҳ беморларида юқори самарадорлик кўрсаткичини назорат гуруҳ беморларига нисбатан 5.0 %гача оширди (3-расм).



3-расм. Беморлар реабилитацияси самарадорлигининг тавсифи

Беморларнинг жарроҳлик амалиётигача ижтимоий ва касбий ҳолати бўйича маълумотлар ўрганилганда, уларнинг асосий қисми ишчи ва қишлоқ хўжалиги ходимлари бўлганлигини кўрсатди. Ўтказилган ижтимоий-касбий реабилитациядан сўнг кўпчилик беморлар оила ва жамиятга қайта мослашишига эришилди (4-расм).



4-расм. Ижтимоий ва касбий реабилитация

Сунъий бўғимлар имплантация қилинган бемор ва ногиронларда меҳнат лаёқатини баҳоловчи асосий омиллар бўлиб: касаллик кечиши давомийлиги, патологик жараённинг босқичи, бошқа бўғимлар патологияси, бўғим ҳаракат функциясининг тикланиши ҳисобланади. Меҳнатга қайтиш кўрсаткичи: АГ- 67,5%, НГ- 60,2%.

Ушбу усулнинг иқтисодий самарадорлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йилдаги 254-сонли буйруғидаги меъёрий ҳужжатларга асосан тайёрланган.

Таклиф қилинган усул бўйича беморлар 90 кун вақтинча меҳнатга лаёқатсизликда бўлишган, анъанавий усул бўйича беморлар 120 кун меҳнатга лаёқатсиз бўлишган ва кейинчалик уларга Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилдаги 195-сонли қарорига мувофиқ, ногиронлик гуруҳи расмийлаштирилган.

$$\text{Эвр} = (D_1 - D_2) \times (G + E) \times H - 0,15 \times K$$

$D_1 = 120$ кун, $D_2 = 90$ кун, $G = 21\,346,93$ сўм, $E = 17077,54$ сўм, $H = 66$ бемор, $K = 414500$ сум,

Д1 – Таклиф қилинган услуб амалиётга киритилгунгача бўлган даврда битта беморнинг шу касаллик билан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида бўлиш сони;

Д2 - Таклиф қилинган услуб амалиётга киритилгандан кейинги даврда битта беморнинг шу касаллик билан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида бўлиш сони;

Г – Битта беморнинг бир кунлик ўртача иш ҳақи сўм/кунига

Е – вақтинча меҳнат қилиш қобилятини йўқолишида тўланадиган ўртача нафақа сўм/ кунига

Н –услугни тадбиқ қилиш масштаби (янги услубни бир йил давомида тарқатилган ёки тарқатилиши кутилаётган беморлар сони);

0,15 эффе́ктивликнинг меъёрий коэффи́циенти

К –услугни тадбиқ қилиш учун режалаштирилган харажатлар

Меҳнатга лаёқатсизлик вақтини иқтисод қилиш (Эвр) = $(120-90) \times (21346,93+17077,54) \times 66-0,15 \times 414500 = 76\,018\,275,60$ сўм

Даволаш натижасининг қиймати бўйича усул самарадорлиги қуйидагича аниқланган: (беморнинг стационарда даволаниш давомийлиги қисқариши бўйича)

$$\text{Эвр} = [(M1-M2) + (C1-C2) + (B+E) \times 0,6] \times N - 0,15 \times K$$

$M1-M2 = 29324,53$ сўм, $C1-C2 = 4$ кун, $B=74700$ сўм, $E=17077,54$ сўм
 $N=66$ бемор, $K=414500$ сўм

$M1 - M2$ – даволанишдаги дорилар миқдорининг камайиши

$C1 - C2$ – Беморни шифохонада бўлиш муддатининг қисқариши

B - Тегишли ташкилотдаги бир кунлик койкани нархи

E - вақтинча меҳнат қилиш қобилятини йўқолишида тўланадиган ўртача нафақа сўм/ кунига

$$\text{Эвр} = [(29\,324,53) + (4) + (74700 + 17077,54) \times 0,6] \times 66 - 0,15 \times 414500 = 5\,507\,898,54$$
 сўм

Янги услубни қўллаш натижасида ногиронликни камайишинининг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\text{Эинв} = \frac{[(G+E) \times (T1-T2) \times I1 - I2 \times 0,006] \times N}{T1-T2} - 0,15 \times K$$

$$\text{Эинв} = \frac{[(21346,93+17077,54) \times (1-0,5) \times 67,5\%-56,3\% \times 0,6] \times 66}{(1-0,5)-0,15 \times 414500} = 171\,114\,379,89$$
 сўм

Эинв – Ногиронлик камайишидан келиб чиқадиган иқтисодий самарадорлик;

$T1$ - янги услуб тадбиқ қилингунгача касаллиги бўйича ногиронликда бўлган ўртача йил сони

$T2$ - янги услуб тадбиқ қилингандан кейинги касаллиги бўйича ногиронликда бўлган ўртача йил сони;

$I1$ - янги услуб тадбиқ қилингунгача касаллик бўйича ногиронлик фоизи;

И2- янги услуб тадбиқ қилингандан кейинги касаллик бўйича ногиронлик фоизи;

0,6- вояга етмаганлар, нафақахўрлар ва уй бекаларисиз ишловчилар коэффиценти

Е- Ногиронлик бўйича ўртача йиллик тўлов миқдори;

Н-тадбиқ қилиш масштаби (ногиронлиги бўлган шахсларда)

0,15 – самарадорликнинг меъёрий коэффиценти;

К- ушбу услубни ишлаб чиқиш учун кетадиган харажат.

Демак, ушбу услуб билан беморларни даволаш учун йилига ўртача 252640554,05 сўм, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик камайиши - 76018275,60 сўм, беморнинг шифохонада даволаниш муддатининг қисқаришидаги самарадорлик-5507898,54 сўм, ногиронлик пасайиши натижасида иқтисодий самарадорлик 171114379,89 сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

1. ЭП ўтказилган беморларда ногиронлик гуруҳининг оғирлик даражасини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, ногиронлик гуруҳининг ўзгармаслигига олиб келувчи омиллар ҳисобига, яъни якқол ифодаланган контрактура ва таянч-ҳаракат тизимининг бошқа бўғимларидаги дегенератив-дистрофик жараёнлар мавжудлиги 6.4 % беморларда ногиронлик гуруҳининг ўзгармасдан қолишига сабаб бўлади.

2. Жарроҳлик амалиёти ўтказилган бўғимларда ишлаб чиқилган мосламани эрта фаоллаштириш учун қўллаш 80% беморларда контрактураларнинг камайишига олиб келади.

3. ЧСБ ЭП бемор ва ногиронлар учун ишлаб чиқилган якка тартибдаги реабилитация дастурлари натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, стационар ва амбулатор-поликлиника шароитларида реабилитацион ёрдам самарадорлигини баҳолаш 37,5% беморларда вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликни 1 ойгача камайишига олиб келган.

4. ЭП ўтказилган бемор ва ногиронларда меҳнат лаёқатини баҳоловчи қуйидаги, яъни касалликнинг кечиш давомийлиги, патологик жараён босқичлари, бошқа бўғимлар ва умуртқа поғонаси патологияларининг мавжудлиги каби омилларни инobatга олган ҳолда меҳнат турини тавсия қилиш 67,5% беморларда тавсия этилган касбларга қайтишларига эришилди.

5. Таклиф қилинган эрта ва узлуксиз давом эттирилган босқичли тиббий-ижтимоий реабилитация 65.5% беморларда юқори ва 20.8 % беморларда яхши реабилитация самарасини олиш имконини берган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.28.02.2018. Tib.62.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

РУЗИБАЕВ ДИЛМУРАД РУЗИМЕТОВИЧ

**ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ МЕДИКО-СОЦИАЛЬНОЙ
РЕАБИЛИТАЦИИ БОЛЬНЫХ И ИНВАЛИДОВ ПОСЛЕ
ЭНДОПРОТЕЗИРОВАНИЯ ТАЗОБЕДРЕННОГО СУСТАВА**

14.00.22 – Травматология и ортопедия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2.PhD/Tib225

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.niito.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Асилова Саодат Убайевна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Шорустамов Мухаммад Тоджиалиевич
доктор медицинских наук

Минасов Тимур Булатович
доктор медицинских наук, доцент
(Российская Федерация)

Ведущая организация:

Андижанский государственный медицинский институт

Защита состоится «_____» _____ 2019 г. в 14.00 часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.28.02.2018.Tib.62.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии (Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули, 78. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрирована за №_____). Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули йули, 78. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30;

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №_____ от _____ 2019 года).

М.Ж. Азизов

Председатель Научного совета по присуждению
учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

У.М. Рустамова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
учёных степеней, кандидат медицинских наук,
старший научный сотрудник

И.Ю. Ходжанов

Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В разных странах частота посттравматической и ортопедической патологии тазобедренного сустава (ТБС) среди взрослых колеблется до 25%, инвалидность при этом составляет около 60% случаев

¹. Ежегодно более тысячи человек впервые признаются инвалидами по поводу болезней костно-мышечной системы и соединительной ткани ортопедического профиля. Причем «первичная инвалидность при этих заболеваниях отличается стойким показателем тяжести (I группа – 0,8%, II группа – 22,1%, III группа – 77,1%)»².

Для достижения определенных успехов в лечении данной патологии в мировой практике проводятся многочисленные исследования. Разработан ряд хирургических методов остеосинтеза и остеотомии костных фрагментов, применена туннелизация головки бедренной кости при асептическом некрозе, разработана мышечная транспозиция на сосудистой ножке, декомпрессия сустава с артротомией капсулы. При посттравматических и ортопедических заболеваниях ТБС эндопротезирование (ЭП) нередко становится единственной операцией выбора. Применены различные методы эндопротезирования с использованием однополюсного и тотального двуполюсного ЭП. В настоящее время ЭП вошло в повседневную практику и достигло значительных успехов. Доказательством этого является достижение положительных результатов после операции в сроки до 20 лет. Несмотря на высокую эффективность хирургического вмешательства, в практике отмечается ряд осложнений, характерный только для тотального ЭП ТБС, как вывих головки эндопротеза, тромбоэмболия легочной артерии и развитие перипротезной «глубокой» инфекции, что приводит к инвалидности пациентов. Для решения данных проблем возникает необходимость разработки новых подходов реабилитационных мероприятий.

В нашей стране достигнуты определенные успехи по усовершенствованию технологии ЭП, в том числе проведены научные исследования по профилактике гнойно-септических и тромбоэмболических осложнений, оптимизирована технология ЭП в зависимости от состояния ТБС. На сегодняшний день определены задачи по «развитию и совершенствованию системы мер по оказанию медико-социальной помощи пенсионерам, инвалидам, одиноким престарелым лицам, другим нуждающимся категориям населения для обеспечения их полноценной жизни», входящие в Стратегию действий³ по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017–2021 годах. Предпринимаются

¹ World Health Organization / Injuries: fact sheet no 7. World Health Organization website. 2016. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs11/en>, accessed March 12

² World Health Organization / The Bone and Joint Decade, 2000-2010. World Health Organization website 2010 // www.who.int/mediacentre/bone.joint.decade/en

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

масштабные целевые меры по коренному улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи. Несмотря на проводимые целевые меры в системе травматологии и ортопедии на сегодняшний день имеются важные задачи, ожидающие своего решения.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, намеченных Постановлениями Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному совершенствованию системы государственной поддержки лиц с инвалидностью» за №ПП-5270 от 01.12.2017 года, «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за №ПП-3071 от 20 июня 2017 года в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017–2021 годах и другими нормативно-правовыми документами⁴, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Неполноценные положительные результаты различных методов оперативного лечения больных и инвалидов вследствие посттравматической и ортопедической патологии ТБС выдвинули на первый план операцию тотального ЭП – замещение патологически измененного сустава искусственным протезом. В настоящее время тотального ЭП ТБС является востребованным и высокоэффективным методом лечения многих заболеваний и последствий травм ТБС, в частности остеоартроза. В 2008 году в США было выполнено более 600000 операций ЭП ТБС, по перспективному прогнозу к 2030 году количество таких вмешательств достигнет до 4.0 миллионов (Загородний Н.В., Нуждин В.И., Кудинов О.А., 2011). На послеоперационном этапе зарубежными авторами предложен ряд устройств для разработки оперированных конечностей (Mucand J.A., Cai C., Zielinski A., 2003; Paxton E. W., Hake Ch.F., Inacio M. C., 2012;). Известно, что система тотального ЭП ТБС прошла длительный путь своего развития, при котором стало возможным возвращение к активному, безболезненному движению в суставе и опороспособности нижней конечности (Чрагян Г.А., Загородний Н.В., Нуждин В.И., Кудинов О.А., 2012), но, несмотря на ряд достоинств тотального ЭП ТБС, она еще далека от совершенства (Müller M., 2012). По мнению Игнатенко В.Л. и др. (2011) современные технологии не всегда способны полностью отразить все те изменения, которые происходят в ТБС под влиянием дегенеративно-дистрофических процессов. Одной из причин частого износа компонентов

⁴ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017.-№25.-С.532 // Национальная база данных законодательства, 30.10.2017.-№06/17/5216/0187

эндопротеза ТБС и последующие за ней ревизионные вмешательства является недостаточное выравнивание механической оси с учетом имеющихся дефектов проксимального отдела бедра, мягкотканого дисбаланса, дисфункции сустава. Важной медико-социальной и экономической проблемой на сегодняшний день остается реабилитация больных с тотальным ЭП ТБС. Были изучены этапы и виды реабилитации по отдельному направлению: медицинская и социальная реабилитация (Казак Л.Г., 2003; Курбанов С.Х., 2009). Малоизученность медико-социальной реабилитации (МСР) и недостаточность до настоящего времени критериев экспертизы трудоспособности после тотального ЭП ТБС, базирующихся на объективных показателях состояния функции оперированной конечности и клинично-функциональных исходов в первый год после операции приводит к значительному числу экспертных ошибок (Тайлашев М.М., Моторина И.Г., Варнакова Т.Ф., Салатин П.П., 2010; Троценко В.В., 2000; Абельцев В.П., Ковалев А.И., 2012; Karkavina A.N., 2008, Cichy B., Wilk M., Sliwinski Z).

